

Январь 2022й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ

ЎЗБЕКИСТОН: ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ҚАТТИҚ ЧИҚИНДИЛАРНИ БОШҚАРИШ: ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ АСОС

ЭКОЛОГИКА ИЖТИМОИЙ АУДИТ ҲАМДА БАҲОЛАШ.
НОТЕХНИК РЕЗЮМЕ (НТР)

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Контрактрақами С43176/11619/71786

СЕСТ

ADDRESS CECT Consulting, inženiring
in svetovanje d.o.o.
Словения, 6000, Копер,
Анкаранска кўч. 76

ТЕЛ +386 59 052 423
ФАКС +386 59 052 424
WWW cect.eu

ЎЗБЕКИСТОН: ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ҚАТТИҚ ЧИҚИНДИЛАРНИ БОШҚАРИШ: ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ АСОС

ЭКОЛОГИК ВА ИЖТИМОИЙ АУДИТ ҲАМДА БАҲОЛАШ.
НОТЕХНИК РЕЗЮМЕ (НТР)

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Контракт рақами C43176/11619/71786

Молиялаштириш



Амалга ошириш



билан биргаликда

Маълумот учун

Ушбу ҳисоботнинг мазмуни учун Консультант бевосита масъул ҳисобланади ва ҳисобот асло Европа Тикланиш ва Тараққиёт банкининг (ЕБРР) нуқтаи назарини акс эттирмайди.

CECT Consulting, inženiring in svetovanje d.o.o. эслатмаси

Ушбу ҳужжат «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш: Техник-иқтисодий асос» Техник топшириғига мувофиқ ООО «Эколайн Интернешнл» (София, Болгария) субпудратчиси томонидан ишлаб чиқилган ва фақат ЕТТБ ҳамда Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси учун мўлжалланган. CECT Consulting, inženiring in svetovanje d.o.o. компанияси бошқа ҳеч қандай томоннинг олдида мазкур ҳужжат ва/ёки унинг мазмуни учун жавобгар эмас.

Ҳужжат варақаси

Лойиҳа 79084		Идентификатори:		Ҳужжатнинг бошл. рақами: 012		
Ҳужжат версияси	Мақсади/Номи	Тайёрл анди	Текшир илди	Сифатнинг сифатланган назорати*	Ваколат и вакил (Лойиҳа раҳбари)	Сана
1	НТР (Қорақалпоғистон Республикаси) (ЕТТБ шарҳлари учун лойиҳа)	ООО «Экола йн Интер- нешнл»	SES	SES	SES	26/04 /2021
2	НТР (Қорақалпоғистон Республикаси) (ЕТТБ шарҳлари асосида янгиланган якуний лойиҳа)	ООО «Экола йн Интер- нешнл»	SES	SES	SES	08/10/ 2021
3	НТР (Қорақалпоғистон Республикаси) (Госкомэкологияш архлари асосида янгиланган якуний ҳисобот)	МЧЖ «Экола йн Интер- нешнл»	SES	SES	SES	17/01/2 022

* ҳужжат қуйида кўрсатилган имзо орқали тасдиқланган

Ҳисобот мазмунининг сифатини текшириш:

Ушбу ҳисобот мазмунининг сифати CECT Consulting, inženiring in svetovanje d.o.o. компанияси тартиб-таомилларига биноан, Техник топшириқ талабларига мувофиқ, келгусида ўзгаришлар бўлиши мумкинлигини назарда тутган ҳолда текширилди.

Имзо:

ФИО: Сергей Леонидович Степанишев, Лойиҳа раҳбари

Компания: CECT Consulting, inženiring in svetovanje d.o.o.

Сана: 2022йил17 январь



ЕТТБ томонидан маъқулланган:



ҚИСҚАРТМАЛАР РҲЙХАТИ

га	гектар
ДЭЭ	Давлат экологик экспертизаси
Экология қўмитаси	Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
ДУК	Давлат унитар корхонаси
ЕТТБ	Европа тикланиш ва тараққиёт банки
ЭУЛ	Электр узатмалари линияси
ЧСЗ	Чиқиндиларни саралаш заводи
НТР	Нотехник резюме
МЧЖ	Масъулияти чекланган жамият
МТХХР	Манфаатдор томонлар билан ҳамкорликда ҳаракатланиш режаси
ЮТС	Юклаш-тушириш станцияси
УИД	Устивор инвестициялар дастури
ЭИТР	Экологик ва ижтимоий тадбирлар режаси
ҚР	Қорақалпоғистон Республикаси
ЎзР	Ўзбекистон Республикаси
ҚМЧ	Қаттиқ маиший чиқиндилар
ТИА	Техник-иқтисодий асос
ЭваИ	Экологик ва ижтимоий
ЭИА	Экологик ва ижтимоий аудит
ЭИБ	Экологик ва ижтимоий баҳолаш
ЭИС	Экологик ва ижтимоий сиёсат (ЕТТБ)



МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	6
ЛОЙИХАНИНГ ЗАРУРЛИГИ ВА УНИНГ МАЗМУНИ	6
ҚР ДА «ТОЗА ХУДУД» ДУК ФАОЛИЯТИНИ ЭИА ҚИЛИШ НАТИЖАЛАРИНИНГ РЕЗЮМЕСИ	11
ЛОЙИХАНИ ЭИБ НАТИЖАЛАРИ РЕЗЮМЕСИ.....	12
ГЕНДЕР РИСКЛАРНИ БАҲОЛАШ	16
Қўшилган (бириккан) объектларни ЭИБ НАТИЖАЛАРИ РЕЗЮМЕСИ.....	16
КУМУЛЯТИВ (ЖАМЛАМА) ТАЪСИРЛАРНИ БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ РЕЗЮМЕСИ	17
МАНФААТДОР ТОМОНЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ҲАРАКАТ ҚИЛИШ	17
ЭВАИ ТАЪСИРЛАР ВА РИСКЛАРНИ БОШҚАРИШ, МОНИТОРИНГ ВА ҲИСОБОТ	18
1 ИЛОВА. ЛОЙИХАЛАШТИРИЛАЁТГАН ҚМЧ ПОЛИГОНЛАРИ ЖОЙЛАШУВИНИ Кўрсатувчи ҲАРИТАЛАР ВА УЛАРНИНГ МАЙДОНЧАЛАРИ СУРАТЛАРИ.....	19
2 ИЛОВА. ЛОЙИХАНИ БАЪЗИ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИНИНГ ҚОЛДИҚ ТАЪСИРИ ДАРАЖАСИ	23

ЖАДВАЛЛАР ВА РАСМЛАР РЎЙХАТИ

1 расм. ҚР да Лойиҳа объектларининг жойлашуви ва ҚМЧ оқимларининг таклиф этиладиган схемаси.....	8
2 расм. Тўрткўл туманидаги ҚМЧ полигонининг бош режаси, ишга туширишнинг якуний босқичи	9
1 жадвал. Лойиҳанинг умумий қолдиқ таъсири даражаси	13

1. КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси (ЎзР) Қорақалпоғистон Республикасида (ҚР) қаттиқ маиший чиқиндилар билан ишлаш инфраструктурасини замонавийлаштириш бўйича ишларни молиялаштиришни сўраб Европа Тикланиш ва Тараққиёт банкига («ЕТТБ») муурожаат қилган («Лойиҳа»). Лойиҳа чиқиндилар билан ишлаш соҳасида хизматлардан фойдаланиш имкониятларини, уларнинг иқтисодий самарадорлиги ва хавфсизлигини ошириш ва бу орқали табиий ҳамда ижтимоий муҳитни яхшилашга қўмаклашиш учун йўналтирилган. Кўзда тутилган инвестициялар ҳажми – давлат кафолати остидаги кредитлар шаклида қарийб 66,3 миллион АҚШ доллари. Лойиҳани ЎзР Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Экология қўмитаси) амалга оширади. ҚР даги "Тоза ҳудуд" ДУК – ҳудуднинг деярли барча ҳудудларида ҚМЧ ни йиғиш, олиб чиқиш ва қўмиш учун масъул бўлган ташкилот – жойларда техник қўмакни таъминлайди ва Лойиҳа доирасида яратиладиган объектларнинг мулкдори бўлади.

Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини (ТИА) ва устивор инвестициялар дастурини (УИД) ишлаб чиқиш билан СЕСТ Consulting, inzeniring in svetovanje d.o.o. (Словения) шуғулланади. ООО «Эколайн Интернешнл» (Болгария) («Консультант») **ҚМЧ ни ишлаб чиқиш доирасидаги экологик ва ижтимоий масалаларни (ЭВАИ) таҳлил қилиш** вазифасини бажаради. ТИА доирасида таклиф этилган қарорларга Лойиҳани техник жиҳатдан такомиллаштириш босқичида аниқлик киритилади.

ЕТТБ билан келишилган ҳолда, Лойиҳага ЕТТБ нинг «Экологик ва ижтимоий сиёсати»га (ЭИС) биноан «Б» тоифаси берилган (2014 й). Шу боис Компания жорий фаолиятининг экологик ва ижтимоий аудити (ЭИА) ўтказилган, шунингдек Лойиҳанинг эҳтимолий ЭВАИ таъсирлари ва рискларини аниқлаш, салбий оқибатларни олдини олиш ёки юмшатиш бўйича чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ижобий эффектларни кучайтириш мақсадида Лойиҳани экологик ва ижтимоий баҳолаш ишлари амалга оширилган.

ЭИА ва ЭИБ натижалари мазкур **Нотехник резюмеда (НТР)** резюмеланган. НТР дан ташқари қуйидагилар Лойиҳа учун ишлаб чиқилган в жамоатчилик учун ошкор этилган:

- Экологик ва ижтимоий тадбирлар режаси (ЭИТР),
- Манфаатдор томонлар билан ҳамкорликдаги ҳаракат режаси (МТХҲР),
- Хўжалик тузилмасини тиклаш бўйича мувофиқлаштирувчи ҳужжат.

Лойиҳа атроф-муҳитни, саломатликни муҳофаза қилиш ва меҳнат/техника хавфсизлиги, меҳнат муносабатлари, аҳоли саломатлиги ҳамда хавфсизлиги, ер участкаларини олиш ва ажратиш, манфаатдор томонлар билан ҳамкорликда ҳаракат қилиш, маданий меросни ҳимоя қилиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ва ЕТТБ нинг қабул қилинган талабларига мувофиқ амалга оширилади.

2. ЛОЙИҲАНИНГ ЗАРУРЛИГИ ВА УНИНГ МАЗМУНИ

Қишлоқ аҳоли яшаш пунктларида ҚМЧ ларни йиғиш ва олиб чиқиш бўйича хизматларнинг етарли даражада эмаслиги, ҚМЧ билан ишлаш соҳасидаги инфраструктура ҳолатининг қониқарсизлиги ва мавжуд ҚМЧ полигонларини санитар ҳамда экологик меъёрларга¹ мос келмаслиги каби ҚМЧ ни бошқариш соҳасидаги

¹ЎзР Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги № ПП-4291 сонли «2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори.
<https://lex.uz/docs/4291733?query=%D0%BF%D0%BB%D0%B0%D1%81%D1%82%D0%B8%D0%BA>

муаммоларни ҳал этиш учун 2019 йилда ЎЗР да ҚМЧ билан ишлаш бўйича Миллий Стратегия² тасдиқланган.

Мазкур Лойиҳа ҚР ҳудудида Стратегия вазифаларини амалга оширишга қаратилган бўлиб, қуйидагиларнинг қурилишини кўзда тутади:

- Нукус шаҳрида янги ҚМЧ полигонини қуриш ва Тўрткўл, Қўнғирот ҳамда Қораузоқ туманлари ҳудудидаги амалдаги 3 та ҚМЧ полигонларининг майдонларини кенгайтириш орқали қайта тиклаш; ҳар бир полигон қуйидагиларни ўз ичига олади, чиқиндиларнинг қолдиқ фракциясини жойлаштириш участкасидан ташқари, чиқиндиларни саралаш заводи (ЧСЗ), биочирувчи чиқиндиларни **компостирлаш участкаси** ва бир қатор қўшимча объектлар жойлашади; шунингдек Нукусдаги полигоннинг ҳудудида тиббиёт чиқиндиларини ёқиш учун инсинераторни (700 тонна/бир йил қувватига эга бўлган) жойлаштириш режалаштирилмоқда;
- Амударё, Хўжайли, Беруний, Элликқалъа, Қонликўл, Мўйноқ, Чимбой ва Тахтақўпир туманларида 8 та юклаш-тушириш станцияларини қуриш (туманлардаги мавжуд полигонларнинг ҳудудида);
- Юқорида санаб ўтилган ҚМЧ полигонларига олиб боровчи **йўлларни қуриш/қайта тиклаш**, жумладан:
- Қўнғирот туманидаги ҚМЧ полигонига олиб боровчи йўлни қайта тиклаш (жумладан иккита каналнинг кўприкларини).

Шунингдек, Лойиҳада мазкур объектлар учун зарур ускуналарни, махсус техника ва махсус автотранспортларни сотиб олиш ва институционал ривожланиш тадбирлари кўзда тутилган.

Лойиҳа объектлари ва объектлар ўртасидаги ҚМЧ оқимларининг тахминий схемаси қуйидаги расмда келтирилган (1 расм). 1. Полигонларнинг жойлашуви ва уларнинг майдончалари суратларини кўрсатувчи хариталар 1Иловада келтирилган.


Мавжуд ҚМЧ полигонларини ёпилиши ва рекултивация қилиниши, амалдаги ҚМЧ полигонларида жойлашган³ юклаш-тушириш станциялари учун мўлжалланган майдончаларни тайёрлаш, ҚМЧ ни бошқаришнинг лойиҳалаштирилаётган объектларини бирлаштирувчи йўлларни қуриш ва/ёки қайта тиклаш, лойиҳалаштирилаётган объектларга янги электр узатиш линиялари (ЭУЛ) ни қуриш—булар **қўшма лойиҳалар**. Улар Лойиҳага киритилмаган бўлиб, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади, уларнинг амалга оширилишини эса Давлат экология қўмитаси назорат қилади. Шу билан бирга, уларга нисбатан ЕТТБ нинг ЭваИ талаблари жорий этилади.

Шаҳар бинолари ва қишлоқ жойларидаги уй хўжаликлари жойлашган жойлардаги чиқинди йиғиш пунктларида йиғилган аралаш чиқиндилар 7 м³ сиғимга эга бўлган кузовли чиқинди ташувчи машиналар ёрдамида юклаш-тушириш станцияларига олиб кетилади. Юклаш-тушириш станцияларида чиқиндилар 60 м³ сиғимга эга бўлган йирик ўлчамли контейнерлар-тўпповчиларга юкланади ва ҚМЧ полигонларига олиб борилади. Бевосита ҚМЧ полигонлари яқинида жойлашган аҳоли яшаш пунктларидан йиғилган чиқиндилар у ерга тўғридан-тўғри етказилади. Полигонда ҚМЧ қабул қилиб олинганидан сўнг чиқиндилар автоматик тарзда ва қўлда сараланадиган ЧИЗ нинг саралаш линияларига етказилади. Кейинчалик қайта ишлаш мумкин бўлмаган

²Ўша ерда

³бу каби ЮТС лар учун майдончаларни тайёрлаш қларни ўз ичига олади: 1) кераксиз бино ва конструкцияларни демонтаж қилиш, 2) майдончаларни тўпланиб қолган чиқиндилардан тозалаш, 3) майдончаларни текислаш бўйича ер ишлари.


чиқиндилар (қолдиқ фракция) чиқиндиларни жойлаштириш участкаларига кўмиб юборилади. Ёқиб юбориш учун мўлжалланган, хавфли, захарли тиббиёт чиқиндилари Нукус шаҳридаги ҚМЧ полигонига етказилади.



1 расм. ҚР да Лойиҳа объектларининг жойлашуви ва ҚМЧ оқимларининг таклиф этилган схемаси

Лойиҳалаштирилаётган полигонларнинг комплекс объект сифатида ташкил этилиши уларнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади: полигоннинг ягона ҳудудидан ЧСЗ, компостирлаш участкаси ва чиқиндиларни жойлаштириш участкаси ўрин олади (намуна сифатида 2 расмга қаранг). Қайта ишлаб бўлмайдиган чиқиндилар бир неча бўлимлардан иборат бўлган, чиқиндиларни жойлаштириш участкаларига кўмилади. Жойлаштириш участкаси босқичма-босқич кенгайиб боради, ҳар бир участканинг хизмат қилиш муддати – тахминан 5 йил бўлади.

Персонал учун маъмурий-маиший бино, гилдиракларни ювиш ва дезинфекциялаш пункти, техник сув таъминоти қудуғи, махсус техника учун шийпонлар, устаконалар, электроподстанция ҚМЧ полигонларининг кўмакчи объектлари бўлади. ҚМЧ полигонларининг майдончалари ҳам чиқиндиларни филтрлашни бошқариш, сиртқи оқимни йиғиш ва тозалаш, ўт ўчириш тизимлари билан жиҳозланади. Ён атрофдаги ҳудудларда ер ости ва ер усти сувлари ҳолатининг мониторинги юритилади.



- 1 – ЧСЗ биноси;
 - 2 – автомобил тарозиси;
 - 3 – гилдиракларни ювиш ва дезинфекциялаш қурилмаси;
 - 4 – маъмурий-маиший бино;
 - 5 – техника учун шийпонлар;
 - 6 – устаконалар;
 - 7 – резервуар;
 - 8 – компостирлаш участкаси;
 - 9 – чиқиндиларни жойлаштириш участкаси: 1-харита (9.1), 2-харита (9.2), 3-харита (9.3);
 - 10 – тақсимловчи дамба
- Эслатма: расмнинг қуйи қисмидаги учта бўлма – ҚМЧ нинг қолдиқ фракцияси жойлашадиган, чиқиндиларни жойлаштириш участкаларининг қисмлари

2 расм. Тўртқўл туманидаги ҚМЧ полигонининг бош режаси, ишга туширишнинг якуний босқичи

ҚМЧ полигонлари қурилиши учун участкаларни танлаш бир неча босқичда амалга оширилган ва суқобил вариантларни кўриб чиқишни ўз ичига олган. Муқобил вариантларни таҳлил қилишда кўриб чиқиладиган участкалар ва улар атрофидаги чегараларда шикастланиши мумкин бўлган ва аҳамиятли объектларнинг (жумладан, яшаш жойлари, сув объектлари, очиқ сув оқимлари, қўриқланадиган табиий ҳудудлар (ҚТХ)) мавжудлиги ҳисобга олинган. Натижада, янги ҚМЧ полигонларини жойлаштириш учун таклиф этиладиган майдончалар меъёрий (имкон қадар катта) санитар ҳимоя ҳудуди (СХХ) чегараларида яшаш пункти объектлари бўлмаслигини назарда тутган ҳолда танлаб олинган. Ер участкаларини ажратиш тўғрисидаги материаллар вавколатли органлар, жумладан, табиатни муҳофаза қилиш органлари ва санитар-эпидемиологик органлар томонидан кўриб чиқилган келишилган.

Лойиҳанинг ер ресурсларига бўлган эҳтиёжи қуйидагиларни ташкил этади: а) Қораузоқ, Тўртқўл ва Қўнғирот туманларида жойлашган ҳар бир ҚМЧ полигони учун 15-16 га ва Нукус шаҳридаги ҚМЧ полигони учун тахминан 24 га, б) қуввати ва чиқиндилар учун фойдаланиладиган контейнерларнинг сонидан келиб чиқиб юклаш-тушириш станциялари учун 0,5 дан 1 га гача. Унча катта бўлмаган ерларни ёки серситутларни ажратиш Қўнғирот туманидаги полигонга олиб борадиган йўлларни қуриш (қайта тиклаш) учун керак бўлиши мумкин. ҚМЧ полигонлари ва ҚМЧ қабул қилиш пунктларини қуриш учун тегишли туманлар ҳокимларининг қарорлари билан ер участкалари ажратилган. ҚМЧ полигонлари қурилиши учун ажратилган ҳар икки участкалар майдонлари уларда ЕТТБ кредитлари билан молиялаштириладиган, чиқиндиларнинг қолдиқ фракциялари жойлаштириш учун иккита майдонга эга бўлган ҚМЧ полигонларини қуриш имконини беради. Учинчи майдонни яратиш ва ҳар икки

полигондан фойдаланиш муддатини 15 йилгача узайтириш учун яқин вақт ичида қўшимча 12 га ер ажратиш зарур. Лойиҳалаштирилаётган барча юклаш-тушириш станциялари Компания бошқарувида бўлган амалдаги ҚМЧ полигонлари участкаларига жойлаштирилади ва уларнинг қурилиши янгидан ер ажратишни талаб этмайди.

Лойиҳалаштириш ва қурилиш ишларига шартномаларни тузиш жараёни 2022 йил якуни – 2023 йилнинг бошида бошланиши кўзда тутилган. Қурилиш ишлари техник лойиҳалаштириш босқичи тугагандан сўнг, харидлари қилиниши муваффақиятли якунланган тақдирда, 2023-йилнинг иккинчи яримида бошланиши режалаштирилган. Қурилиш босқичининг давомийлиги 2-3 йилни ташкил этади.

Лойиҳалаштирилаётган ҚМЧ полигонларининг хизмат қилиш муддати 15 йилни ташкил этади.

Чиқиндиларни жойлаштириш участкасининг сигими тугагандан кейин чиқиндиларни кўмиш полигонлари бўйича 1999/31/ЕС Директивасига ва ЎзР да қабул қилинган меъёрий ҳужжатларга мувофиқ уни ёпиш ва рекультивация қилиш тадбири кўзда тутилган^{4,5}. Хусусан, участкадан фойдаланишни якунлашдан аввал чиқиндиларнинг юза қатлами зичлаштирилади ва ҳаво ўтказмайдиган минерал қатламдан иборат (бентонитли бўйра) устки изоляцияловчи қатлам билан, дренаж қатлами билан ва кейинчалик экинларни экиш учун устки ҳосилдор қатлам билан беркитилади.

Қурилиш босқичида меҳнат ресурсларига бўлган тахминий талаб (чет давлатдан ёки мамлакатнинг бошқа ҳудудларидан ишчи кучининг келиши кўзда тутилмаган): а) ҚМЧ полигонларининг қурилиши бошланадиган 2023 йилда – тахминан 80 та иш ўрни, жумладан 16 та махсус техника ҳайдовчилари ва 56 нафар қурувчи ишчилар, б) ҚМЧ полигонларининг қурилиши давом этадиган, шунингдек юклаш-тушириш станциялари қуриладиган, Қўнғирот туманидаги ҚМЧ полигонига олиб борувчи мавжуд умумфойдаланиш йўллари қайта тикланадиган 2024 йилда – ҳаммаси бўлиб тахминан 160 та иш ўрни, жумладан 40 нафар махсус автотранспорт ҳайдовчилари ва тахминан 110 нафар қурувчи ишчилар ҳамда йўл қурилиши билан банд бўладиган тахминан 50 нафар одамни ташкил этади. Қурувчи персоналнинг сонига техник лойиҳалаш ва қурувчи пудратчи(лар)ни танлаб олиш босқичида аниқлик киритилади.

Лойиҳанинг амалга оширилиши **ундан фойдаланиш босқичида** турли маълумот даражасига эга бўлган эркак ва аёллар учун деярли 350 та янги иш ўринларининг яратилишига, жумладан тўртта янги қурилган ҚМЧ полигонларида 310-320 та иш ўринлари, юклаш-тушириш станцияларида (ҳайдовчилардан ташқари) тахминан 30 та иш ўринлари яратилишига олиб келади. Қолган 30-40 та вакансиялар махсус автотранспортлар ва махсус техникалар ҳайдовчилари учун очилади. Мавжуд ҚМЧ полигонларининг ёпилиши натижасида қисқариши кўзда тутилаётган «Тоза ҳудуд» ДУК филиаллари персоналани максимал равишда ишга олиш кўзда тутилади, шунингдек шу ҳудудда жойлашган аҳоли яшаш пунктлари аҳолисини ишга жойлаштириш имкониятларини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширилади.

⁴ СанПиН ЎзР № 0157-04. 2004 йил 12 июлдаги Ўзбекистон шароитида махсус полигонларда қаттиқ маиший чиқиндиларни сақлаш ва зарарсизлантиришга нисбатан санитария талаблари. <https://www.minzdrav.uz/documentation/detail.php?ID=47040>.

⁵ Давлат экология қўмитасининг 2019 йил 17 октябрдаги № 12 сонли «Қаттиқ маиший чиқиндилар учун полигонларни лойиҳалаш ва улардан фойдаланиш бўйича Йўриқномани тасдиқлаш тўғрисидаги» қарори. <https://lex.uz/ru/docs/4603651>.

3. ҚР ДА «ТОЗА ХУДУД» ДУК ФАОЛИЯТИНИ ЭИА ҚИЛИШ НАТИЖАЛАРИНИНГ РЕЗЮМЕСИ

ҚР да ҚМЧ ни йиғиш, олиб кетиш ва кўмиш билан республика «Тоза ҳудуд» ДУК ҳамда унинг туман/шаҳар филиаллари шуғулланади. Бугунги кунда унинг балансида қуйидагилар мавжуд:

- ҚР даги мавжуд 17 та ҚМЧ полигонларидан 14 таси⁶ ва яна битта ишга туширилмагани (Нукус шаҳрида);
- ҚМЧ ни йиғиш учун контейнерларга эга 709 та чиқинди йиғиш пунктлари;
- Компаниянинг туман филиаллари қошидаги махсус автотранспорт ва махсус техникага (чиқинди ташувчилар, бульдозерлар, юкловчилар ва бошқа ш.к.) хизмат кўрсатиладиган ва улар таъмирланадиган гаражлар ҳамда устаконалар.

ҚР «Тоза ҳудуд» ДУК жорий фаолиятининг ЭИА 2019 йилнинг декабрь ойида ЎзР қонунчилиги талабларига, Европа Иттифоқи директиваларига⁷ ва ЕТТБ нинг ЭИС га биноан амалга оширилган (2014 й.).

Компания фаолиятининг баъзи элементлари ЎзР қонунчилиги талабларига қисман мос келиши аниқланган, масалан, Компания ходимларининг саломатлиги ва хавфсизлигини муҳофаза қилиш тизими яратилишида, аҳоли саломатлиги ва хавфсизлигига бўлган таъсирни назоратини амалга оширишда, ҚМЧ полигонлари ва унинг яқин атрофларида табиий муҳит таркибий қисмлари ҳолатини мунтазам равишда мониторинг қилиб боришда, меҳнат ресурсларини бошқаришда. Амалдаги объектлар учун мўлжалланган ерга эгалик ҳуқуқини, жароҳатланишни ҳисобга олишда, хавфсизлик ходимларининг ишида, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланмаслик талабларига амал қилишда ЎзР қонунчилиги талабларига тўлиқ мос келиш кузатилган. Мос келмаслик эса иш ўринларини аттестация қилинмаслиги билан боғлиқ бўлиб, шунингдек «Тоза ҳудуд» ДУК нинг корхоналарида йиғилган чиқиндиларнинг инвентаризацияси амалга оширилмаган.

Ёнғин хавфсизлиги, эҳтимолий авария ҳолатларига (жумладан ёнғин) нисбатан тайёрлик, табиий офатларга (ер силкиниши, бўронлар), ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисаларга тайёрлик каби ЕТТБ ва Европа Иттифоқининг талабларига Компания фаолиятининг қисман мос келиши аниқланган.

Компаниянинг баъзи объектларида учинчи шахслар томонидан объектларда ҚМЧ ни рухсатсиз саралаш ҳолатлари ҳам кузатилган. Хавфли кимёвий моддалар ва хавфли чиқиндилар билан ишлаш (жумладан уларни сақлаш) бўйича йўриқнома, ООС, кадрларни бошқариш, ОТ ва ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги тадбирлар режаси мавжуд эмас. Компания ходимлардан ва ташқи манфаатдор томонлардан келиб тушадиган шикоятларни кўриб чиқишнинг шаклланган тартиб-таомилига эга эмас. Шунингдек, пудратчиларни бошқариш тартиби ишлаб чиқилмаган.

Баъзи номуносивбликларнинг батафсил таҳлили қилинган ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар тавсия этилган ҳамда Лойиҳанинг **ЭИТР** га киритилган. Мазкур

⁶ ХВ Урганч туманида жойлашган энг йирик ҚМЧ полигони хусусий корхона (ООО «URGENCH AVTO EKO TRANS») балансида туради.

⁷ Европа Парламентининг Европа Иттифоқи директивалари: i) 2008/98/ЕС 19 ноябрь 2008 й. чиқиндилар ва баъзи Директиваларни бекор қилиш тўғрисида. <https://eur-lex.europa.eu/eli/dir/2008/98/oj>; ii) 1999/31/ЕС 26 апрель 1999 й. чиқиндиларни кўмиш учун полигонлар тўғрисида. <https://eur-lex.europa.eu/eli/dir/1999/31/oj>; iii) 2014/52/ЕС 16 апрел 2014 й. баъзи давлат ва хусусий лойиҳаларнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш бўйича 2011/92/ЕУ Директивага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида. <https://eur-lex.europa.eu/eli/dir/2014/52/oj>; iv) 2012/19/ЕС 04 июль 2012 й. электр ва электр жиҳозлари чиқиндилари бўйича. <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/?uri=celex%3A32012L0019>; v) 2010/75/ЕС 24 ноябрь 2010 й. саноат чиқиндилари тўғрисида (ифлосланишни комплекс бартараф этиш ва уни назорат қилиш тўғрисида). <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/?uri=CELEX:32010L0075>.

ЭИТР Компания ҳамда ЕТТБ ўртасидаги кредит келишувига илова ҳисобланади ва бажарилиши мажбурий бўлади.

4. ЛОЙИХАНИ ЭИБ НАТИЖАЛАРИ РЕЗЮМЕСИ

Лойиҳани ЭИБ доирасида Лойиҳани амалга оширишда дуч келиниши мумкин бўлган атроф-муҳит таркибий қисмлари ҳолатидаги эҳтимолий ижобий ва салбий ўзгаришлар (табiiй, техноген ва ижтимоий) аниқланган ҳамда баҳоланган. Бошланғич табiiй ва ижтимоий-иқтисодий шароитларнинг таҳлили амалга оширилган. Таъсирларнинг таҳлили қуйидагилар билан боғлиқ бўлган ЭваИ таъсир ва рискларни қамраб олган:

- ҚМЧ ни бошқаришнинг баъзи лойиҳалаштирилаётган объектлари билан,
- умуман Лойиҳа билан,
- Лойиҳа объектларини қурилиши босқичида қурилиш юқларини Лойиҳа майдонига етказиб бериш билан,
- Лойиҳани ишга тушириш босқичида ҚМЧ ни юқлаш-тушириш станцияларидан ҚМЧ полигонларига етказиб бериш билан.

Кўриб чиқиладиган объектларнинг штат режимидаги иши билан боғлиқ бўлган, шунингдек объектлар майдончаларидаги хавфли табiiй ҳодисалар ва ёки техноген авариялар/ нохуш ҳодисалар туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган хавфли таъсир ва рисклар билан боғлиқ бўлган ЭваИ таъсирлар ҳамда рисклар кўриб чиқилган.

Аниқланган барча таъсирлар/рисклар учун уларнинг шиддати, давомийлиги, эҳтимолий таъсир/рисклар юз берганда сезгир реципиентларга таъсир этиши мумкинлиги таҳлил қилинади. Мазкур кўрсаткичлар асосида **таъсирларнинг даражаси** ҳисоблаб чиқарилган. Энг паст даражадан юқори бўлган барча таъсирлар учун (ва баъзи паст даражали таъсирлар учун) УИД да таклиф этилган, техник ва ташкилий-техник қарорларни тўлдирувчи, таъсирларни бартараф этиш ёки юмшатиш бўйича чора-тадбирлар тавсия этилган. Кейин эса **қолдиқ таъсирларнинг даражаси** баҳоланган (яъни таъсирларни олдини олиш ёки юмшатиш бўйича чора-тадбирлар бажарилганидан кейинги даража).

ЭИБ доирасида ишлаб чиқилган юмшатувчи чора-тадбирлар Лойиҳанинг ЭИТР да йиғилган ва Лойиҳанинг ҳаёт цикли босқичлари бўйлаб тақсимланган, айнан: лойиҳалаш, қурилиш, ишга тушириш ва фойдаланишдан чиқариш/рекултивация босқичлари бўйлаб.

Таъсирлар/рискларнинг бирламчи даражаси энг пастдан юқорига қадар ўзгариб борган бўлиб, бунда кўпгина таъсирлар паст, пастдан ўртагача ёки ўрта даражада ифодаланган. Қолдиқ таъсирлар/рискларнинг даражаси эҳтимолий салбий таъсирлар учун энг пастдан ўртагача ва эҳтимолий ижобий таъсирлар учун эса энг пастдан юқорига қадар ўзгариб борган.

Умуман олганда Лойиҳанинг қолдиқ таъсирини баҳолашга кўра (1 Жадвал):

- ҚР ҳудудидаги санитар-эпидемиологик ҳолатни яхшилаш эвазига ҳудудларнинг экологик-санитар ҳолатини ва аҳолининг яшаш тарзини яхшилаш учун, тупроқ қопламаси ва ер ости сувларининг ифлосланиши хавфини камайтириш учун, ҚМЧ ни рухсат этилмаган жойларга кўмишни олдини олиш ва бошқа ш.к.лар учун қолдиқ ижобий таъсирларнинг ўртачадан юқоригача бўлган даражаси ҳисобланади.
- Энг пастдан ўртагача бўлган қолдиқ даража қуйидаги каби ижобий таъсирлар учун кўзда тутилади:
 - Лойиҳанинг янги объектларига ишга жойлашиш орқали маҳаллий аҳоли турмуш даражасининг ошиши;

- Қайта ишлаш корхоналарига катта ҳажмдаги хом ашёни етказиб бериш ҳисобига иккиламчи хом ашёни қайта ишлаш соҳасидаги кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш (ҳудуд иқтисодиётига ҳисса қўшилиши);
- Лойиҳалаштирилаётган полигонларда йиғилган, олиб келинган ва қайта ишланган ҚМЧ нинг ҳар бир тоннасига тўғри келадиган зарарли газлар чиқарилишининг Компаниянинг амалдаги полигонларида ҚМЧ ни жойлаштиришни кўзда тутувчи базавий сценарийга нисбатан камайиши ҳисобига Лойиҳанинг иқлим ўзгаришига таъсирининг камайиши, шунингдек, Лойиҳани амалга ошириш вақтида мамлакатнинг чиқинди секторидан ЗГ ларнинг умумий ҳажмида вилоятнинг амалдаги ҚМЧ полигонларидан чиқадиган ЗГ ларнинг улуши ҳам камаяди.

Қўшимча солиқ тушумлари, қурилиш босқичида пудратчи ташкилотларни жалб этиш билан боғлиқ бўлган ижобий таъсирлар катта аҳамиятга эга бўлмайди.

Йўл қопламаси ва Лойиҳа / ҚМЧ юқларини ташиш учун фойдаланилиши кўзда тутиладиган йўллардаги кўприклар ҳолатининг ёмонлашуви, (эксплуатация босқичида) фойдаланиладиган йўлларнинг, айниқса бу йўллар кесиб ўтадиган аҳоли яшаш пунктларининг ҳудуди ва атрофларида хизмат кўрсатиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги даражасининг пасайиши (қурилиш ва ишга тушириш босқичида) каби бир қатор салбий таъсирлар учун пастдан ўртачага қадар қолдиқ даража кутилади. ҚМЧ ни ташиш йўналишлари ҳозирча аниқланмаганини ҳисобга олинадиган бўлса, консерватив баҳолаш ҚМЧ ни аҳоли яшаш пунктлари орқали ташиб ўтиш чоғида юз бериши мумкин бўлган йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ бўлган, маҳаллий аҳоли хавфсизлиги учун хатарлар юзага келиши эҳтимолини кўзда тутди. Агар ҚМЧ ни ташувчи контейнеровозлар томонидан аҳоли яшаш пунктлари яқинида ёки чегарасида жойлашган йўллардан фойдаланиладиган бўлса, йўллар яқинида шовқин даражасининг ортиши кутилади; мазкур таъсирнинг қолдиқ даражаси йўналишнинг турли участкалари учун паст, паст-ўртача ёки ўртача бўлиши мумкин. Амударё туманидаги ЮТС ва Нукус шаҳридаги ҚМЧ полигонини бирлаштирувчи (эксплуатация босқичида) эҳтимолий йўналиш бўйича Лойиҳанинг махсус автотранспортининг ҳаракатланиши кўчиб юривчи ёввойи ҳайвонларга – Қуйи-Амударё давлат биосфер резерватидаги (ОПТ) ҳайвонларга салбий таъсир этиши мумкин.

1 жадвал. Умумий олганда Лойиҳанинг қолдиқ таъсирлари даражаси

Ўртачадан юқоригача	Ўртача	Пастдан ўртачагача	Паст	Жуда пастдан пастгача	Сезиларсиз
---------------------	--------	--------------------	------	-----------------------	------------

Белгилар:

С – қурилиш босқичи, Э – эксплуатация босқичи, Р – рекультивация босқичи (ҚМЧ полигонларини)

«сал.» – салбий таъсир, «ижобий» – ижобий таъсир

Таъсир	Лойиҳанинг ҳаётий цикли босқичи	Қолдиқ даража
Ҳудудларнинг экологик ва санитар ҳолатини яхшилаш	С, Э	Ижобий
Ҳудуд иқтисодиётига бўлган таъсир		
Солиқ тушумларининг ўсиши	С, Э	Ижобий
Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун қўшимча имкониятлар	Э	Ижобий
Иқлим ўзгаришига қўшилган хисса	Э	Ижобий (ҚР да ҚМЧ ни бошқариш тизимидан ЗГ эмиссиясининг қўшимча тарзда пасайиши, Лойиҳанинг иқлим ўзгаришига қўшадиган ҳиссасининг камайиши ва шу йўсинда ижобий эффектининг ортиши)
Лойиҳа объектларида қурилиш юқлари, техникалар (қурилиш ва рекультивация босқичларида) ва ҚМЧ ни (ишга тушириш босқичида) ташиш билан боғлиқ Э ва И реципиентларининг таъсири		
Йўл бўйидаги “Таъсир йўлаклари” да табиий	С	Сал.

Таъсир	Лойиҳанинг ҳаётий цикли босқичи	Қолдиқ даража
муҳитга таъсири	Э	Сал.
Шовқин ва тебраниш таъсири	С	Сал.
	Э	Сал.
Маданий мерос объектларига таъсири	С	Сал.
	Э	Сал.
Полигон туфайли зиён кўриши мумкин бўлган аҳоли яшаш пунктлари аҳолиси саломатлигига таъсири	С	Сал.
	Э	Сал. (йўл бўйидаги уйлар аҳолиси учун) Сал. (полигон туфайли зиён кўриши мумкин бўлган бошқа аҳоли)
Полигон туфайли зиён кўриши мумкин бўлган аҳоли яшаш пунктлари аҳолиси хавфсизлигига бўлган рисклар	С	Сал.
	Э	Сал.
Кўчиб юривчи ёввойи ҳайвонларга (Бухоро оҳуси) бўлган таъсир	С	Сал.
	Э	Сал.
Ирригация иншоотларига бўлган тебранма таъсир	С	Сал.
	Э	Сал.
Йўл инфратузилмасига бўлган таъсир		
Кўприклар ҳолатига нисбатан таъсир	С	Сал.(УИД орқали қамраб олинмаган йўллар учун)
	Э	Сал.
Йўл қопламасининг сифатига бўлган таъсир	С	Сал.
	Э	Сал.(УИД орқали қамраб олинмаган йўллар учун)
Фойдаланиладиган йўлларда транспорт сифмининг пасайиши, мавжуд тезлик режимининг бузилиши	С	Сал.
	Э	Сал.(аҳоли яшаш пунктлари ёки уларнинг атрофларидаги йўллар) Сал.(бошқа йўллар)
Полигон билан боғлиқ бўлган йўлларда йўл ҳаракати хавфсизлигининг пасайиши (яъни ИТХ хавфининг ортиши)	С	Сал.
	Э	Сал.(аҳоли яшаш пунктлари ёки уларнинг атрофларидаги йўллар) Сал.(бошқа йўллар)
Инфратузилмага бўлган таъсир		
Худуднинг электр таъминотига бўлган таъсир	С	Сал.
	Э	Сал.
Худуднинг қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш тизимига таъсир	С	Сал.
	Э	Сал.
Бандликка бўлган таъсир		
Қурилиш пудратчиларини жалб этиш	С	Ижобий
Маҳаллий аҳоли учун иш ўринларининг яратилиши	С	Ижобий
	Э	Ижобий
Мавжуд иш ўринларининг қисқариши	Э	Сал.
Иккита хусусий ҚМЧ полигонларининг ёпилиши	Э	Сал.
